

"ЁШ ЧЕГАРАЧИЛАР" ИМИЗ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИДА МУНОСИБ ИШТИРОК ЭТМОҚДА



Термиз туманидаги 16-сонли умумтаълим мактабининг "Сарҳад" жамоаси "Ёш чегарачилар" ҳарбий-ватанпарварлик спорт мусобақаларининг Сурхондарё вилоят босқичида биринчиликни қўлга киритиб, республика финал босқичида иштирок этиш йўлланмасини қўлга киритишган эди.

Хозирда "Сарҳад" жамоаси Тошкент вилояти Тошкент туманидаги 9207 сон ҳарбий қисмда "Ёш чегарачилар" ҳарбий-ватанпарварлик спорт мусобақаларининг Республика босқичида муносиб иштирок этишмоқда.

Бугун З кунлик ҳарбий-спорт мусобақаларининг якуний босқичи ўтказилади ҳамда ғолиб ва совриндорлар эълон қилинади.

Термиз туман ҳокимлиги туманимиз, қолаверса вилоятимиз шарафини ҳимоя қилаётган "Сарҳад" жамоасига улкан зафарлар ва омад тилаб қолади.

Термиз туман ҳокимлиги
Ахборот хизмати